

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**УЛЖАБОЕВ АЛИЖОН АБДУЛЛАЖОНОВИЧ**

**ТУРЛИЧА ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ ҒЎЗА  
ДЕФОЛИАЦИЯСИ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ  
(ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА)**

**06.01.08-Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on  
agricultural sciences**

**Улжабоев Алижон Абдуллажонович**

Турлича шўрланган тупрокларнинг ғўза дефолиацияси самарадорлигига таъсирини ўрганиш (Фарғона водийси шароитида)..... 3

**Улжабоев Алижон Абдуллажонович**

Изучение влияния различной засоленности почв на эффективность дефолиации хлопчатника (в условиях Ферганской долины)..... 21

**Uljaboev Alijon Abdullajonovich**

Study of the influence of different soil salinity on the efficiency of cotton defoliation (in the conditions of the Ferghana valley)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**УЛЖАБОЕВ АЛИЖОН АБДУЛЛАЖОНОВИЧ**

**ТУРЛИЧА ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ ҒЎЗА  
ДЕФОЛИАЦИЯСИ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ  
(ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА)**

**06.01.08-Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2020**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx209 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тили (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тешаев Фатулло Жўрақулович  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Джамолхон Хўжахонович  
биология фанлари доктори, профессор

Ахмедов Алмон Усманович  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етақчи ташкилот:

Тошкент давлат агарар университети


Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «25» 12 2020 йил соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878)150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37. E-mail [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)


Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (102 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «7» 12 да тарқатилди.  
(2020 йил «7» 12 даги 1 рақамли реестр баённомаси )



 Ш.Н.Нурматов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

 Ф.М.Хасанова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

 Ж.Х.Ахмедов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бугунги кунда 1 миллиарддан ортиқроқ майдонда инсоният деҳқончилик қилади. Шундан 31,8 млн гектар майдонда ғўза экилиб, 25 млн тонна пахта толаси олинади. Ўзбекистонда 1 млн 33 минг 629 гектар майдонга чигит экилиб, 3,1 млн. тонна пахта етиштирилади. Дунё деҳқончилигида тупроқдаги тузларнинг ўсимликларга салбий таъсири кучли бўлиб, бу рақамларда дунё бўйича 952,2 млн гектар ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдонларнинг қарийб 33,0 фоизини ташкил этади.<sup>1</sup>

Дунёнинг ғўза етиштирувчи кўпгина етакчи мамлакатларида, биологик етилган ғўза кўсақлари очилишини ва физиологик жараёнларни тезлаштириш, ғўзани сунъий баргсизлантиришда унинг кўсақлари 40-45 ва 50-60 фоиз очилган муддатларда юмшоқ ва ярим юмшоқ таъсир этувчи 2М-4Х (2-метил-4-хлорфеноксисукусная кислота), гербицид дефолиант, диурон ва горманал дефолиант тидиазурон дефолиантларини ўз вақтида самарали қўллашни илмий асослаш натижасида сифатли пахта ҳосилини ёғин-сочин кунларга қолмасдан йиғиштириб олишга эришилган. Шу нуқтаи назардан ғўза кўсақлари очилишини тезлаштиришда дефолиация самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий изланишларни давом эттириш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишда ғўза баргини сунъий тўктириш агротадбиридан самарали фойдаланиб етиштирилган пахта хом-ашёсини ёғингарчиликли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ турли даражада шўрланган майдонларда ғўзанинг пишиш даврида очилмаган кўсақларнинг етилишига дефолиантларнинг таъсири ва уларни қўллашнинг мақбул меъёрини белгилаш борасидаги илмий тадқиқотлар етарлича ўрганилмаган. Бинобарин, Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг «3.3.бандида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»<sup>2</sup> бўйича муҳим стратегик вазифалар бегилаб берилган. Шу нуқтаи-назардан, турли даражада шўрланган майдонларда етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатларда, йиғиштириб олиш учун ғўза майдонларида дефолиация самарадорлигини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3229-сон «2017 йилда ғўза дефолиациясини ўз вақтида ва самарали ўтказиш бўйича комплекс ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва Ўзбекистон

---

<sup>1</sup><https://www.citiindia.com/wp-content/uploads/2018/Cotton-Data>; <https://www.sciencedirect.com/topics/earth-and-planetary-sciences/soil-salinity>; <https://agrostory.com/info-centre/agronomists/rasteniya-protiv-zasoleniya-pochv/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2019 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги «2019 йил 9 сентябрдаги 752-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида 28 январда»ги ПҚ-4575-сон қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турлича шўрланган майдонларда етиштирилган ғўзанинг дефолиацияси самарадорлигини, дефолиантларнинг турли омилларга боғлиқ ҳолда мақбул меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш, қолаверса дефолиантларнинг ғўзага физиологик-биокимёвий таъсирини аниқлаш бўйича бир неча маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан: И.Рабинович, А.Пругалов, Ю.Ракитин, Г.Яровенко, Т.Зокиров, А.Имомалиев, Ш.Тешаев, И.Раҳматов, Ф.Тешаев, М.Тураев, У.Тураев, Б.Раҳматов, М.Юлдашов, О.Синдаров, Х.Абдурахмонов, С.Алланазаров, У.Абдурахмонов, ҳамда M.Bange, R.Long, S.Byrd, J.Dai, H.Dong, M.Du, N.Muhammad, S.Malik, M.Makhdum, O.Çôpur, H.Stephen, S.Wright, R.Hutmacher, P.Zhang томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Аммо кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқларда илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган, шуни инобатга олган ҳолда турлича шўрланган майдонларда тажрибалар олиб бориш зарур ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан мослиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-09-001 «Турлича шўрланган тупроқларнинг ғўза дефолиацияси самарадорлигига таъсири (Фарғона водийси шароитида)» (2017-2019 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа тадқиқотлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Фарғона водийсининг турлича шўрланган ўтлоқи соз тупроқлари шароитида етиштирилган ўрта толали Султон ғўза навида маҳаллий УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини қўллашнинг мақбул меъёрларини ва уларнинг ғўзадаги самарадорлигини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Андижон вилояти шароитида ўртача, кучсиз ва шўрланмаган тупроқларга эга бўлган майдонлар аниқланиб, ушбу майдонларда ўрта

толали Султон ғўза нави чигитларининг униб чиқиши, ўсиш ва ривожланишида тузларнинг таъсирини аниқлаш;

турли даражада шўрланган тупроқларда парвариш қилинган Султон ғўза навининг барг сатҳи юзасини аниқлаш;

турли даражада шўрланган тупроқларда парваришланаётган ғўзанинг дефолиациядан олдин ва дефолиациядан кейин яшил, ярим қуриган ва қуриган барглар, очилган ва ярим очилган кўсаклар сонини аниқлаш;

турли даражада шўрланган тупроқларда парваришланган Султон ғўза нави терим олдидан қайтариқлар бўйича (умумий терим тартибида) 50 тадан кўсак пахтаси териб олиниб, бир дона кўсак пахтасининг ўртача вазнига 1-терим салмоғи ва ҳосилдорликка дефолиантларнинг таъсирини аниқлаш;

турли даражада шўрланган тупроқларда етиштирилган ғўзада қўлланилган дефолиантларнинг пахта толаси технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон вилоятининг турли даражада шўрланган ўтлоқи соз тупроқлари, Султон ғўза нави, УзДЕФ, ФанДЕФ ва Суюқ ХМД дефолиантлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети сифатида** турли даражада шўрланган тупроқларда ғўза навининг ўсиш ва ривожланиши, кўсакларнинг шакинлланиши ва уларга қўлланилган дефолиантлар меъёрларининг таъсири, ғўза баргларининг тўкилиши, кўсакларнинг очилиши, пахта ҳосили, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари, шўрланиш ва дефолиантларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш каби жиҳатлар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Андижон вилоятининг турли даражада шўрланган тупроқлари шароитида ғўза кўсакларини 45-50% очилганда дефолиантларни қўллаб, мақбул меъёрлари аниқланди. Илмий изланишлар ЎзПИТИда қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ва Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссияси томонидан қабул қилинган «Ўза дефолиантларини синаш бўйича услубий кўрсатмалар» қўлланмалари асосида олиб борилди. Олинган маълумотларни математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» улубига асосан Microsoft Excel дастури асосида математик статистик таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона водийси шароитида шўрланмаган, кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқлари шароитида ўрта толали Султон ғўза навида УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини қўллашнинг мақбул меъёрлари ҳамда уларнинг самарадорлиги ишлаб чиқилган;

турли даражада шўрланган тупроқлари шароитида Султон ғўза нави чигитларини униб чиқиши ўрганилган;

турли даражада шўрланган тупроқларининг ғўза ниҳоллари ўсиб ривожланиши, барг сатҳининг ўзгариб бориши, барг пластинкасининг қалинлиги, хужайра шира концентрацияси, ҳосил шохи бўғин ораликлари ҳамда кўсак бўғин ораликлари, ҳосил тўплаши ва кўсакларнинг очилишига

таъсири аниқланган;

турли даражада шўрланган тупроқларда Султон ғўза нави кўсаклари 45-50% очилган муддатда маҳаллий УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини қўллашнинг мақбул меъёрлари аниқланиб, уларнинг ғўза барглари тўкилиши, кўсаклар очилиши, бир дона кўсагдаги пахта вазни, пахта ҳосили ва биринчи терим салмоғига ҳамда толанинг технологик сифат кўрсаткичлари шунингдек, чигитнинг сифатига таъсири аниқланган;

Турли даражада шўрланган майдонларда етиштирилган Султон ғўза навида қўлланилган УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларининг иқтисодий самарадорлиги илмий асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси.** Андижон вилояти шароитида Султон ғўза нави кўсаклари 45-50% очилган муддатда УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини кучсиз шўрланган ерларда ва шўрланмаган ерларда 7,0 л/га меъёрларда ҳамда ўртача шўрланган ерларда УзДЕФни 6,0 л/га, ФанДЕФни 5,0-6,0 л/га меъёрларда қўлланилганда назорат ва СуюқХМД дефолиантига нисбатан самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди. Кучсиз шўрланган ерлари шароитида Султон ғўза нави кўсаклари 45-50% очилган муддатда УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда барг тўкилиши 90,0-86,9% ни, кўсаклар очилиши 91,5-89,1% ни ва пахта ҳосили ўртача 30,5 ц/га ни ташкил этди. Ўртача шўрланган ерлар шароитида Султон ғўза нави кўсаклари 45-50% очилган муддатда УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини мос равишда 6,0 л/га меъёрларда қўлланилганда барг тўкилиши 89,2-87,8% ни, кўсаклар очилиши 92,0-89,2% ни ва пахта ҳосили ўртача 27,8 ц/га ни ташкил этганлиги аниқланди. Шўрланмаган ерлари шароитида Султон ғўза нави кўсаклари 45-50% очилган муддатда УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда барг тўкилиши 87,4-85,5% ни, кўсаклар очилиши 90,6-87,0 % ни ва пахта ҳосили ўртача 33,7 ц/га ни ташкил этди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг миллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқланиб, баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга янги ресурстежамкор агротехнологиялар сифатида кенг жорий қилинганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларида муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини белгилайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, Андижон вилояти шароитида турли даражада шўрланган тупроқларда парваришланган ўрта толали Султон ғўза навининг ўсиб ривожланиши, ҳосил шоҳи бўғин оралиқлари, барг сатҳи ва барг пластинкаси қалинлигининг ўзгариши, шўрланиш даражасида баргдаги хужайра шира концентрациясининг



фарқланиши ўрганилиб, ғўза кўсаклари 45-50% очилган муддатда УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларининг мақбул қўллаш меъёрлари, уларнинг барг тўкилиши, кўсак очилиши, очилиш тезлиги, пахта ҳосили ва унинг технологик сифат кўрсаткичлари шунингдек чигитнинг кимёвий таркибига таъсири назарий томондан аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса турли даражада шўрланган тупроқларда етиштирилган Султон ғўза навида УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини қўллашнинг мақбул меъёрлари белгилаб берилиб, дефолиация тадбирини тўғри ва сифатли ўтказилиши натижасида ғўза барглариининг 82,0-90,0% тўкилишига, кўсакларнинг очилишини эса 88,0-92,0% гача етказилиши эришилган. Провордида биринчи терим салмоғи 16-20% га ортиши ва гектаридан олинган соф фойда 1976632-4437000 сўмни, рентабеллик 19,3-43,3% ни ташкил эганлиги, олинган натижалар асосида берилган илмий тавсиялар бўйича ушбу агротадбир ишлаб чиқариш шароитида кенг майдонларда қўланилганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Турлича шўрланган, майдонларда ғўзани сифатли дефолиация қилиш бўйича «Андижон вилоятининг турлича шўрланган ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ўрта толали «Султон» ғўза навида сифатли дефолиация ўтказиш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 02/025-2927-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Республикада пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

шўрланмаган майдонларда дефолиантларни қўллаш технологиясини Андижон вилоятининг Улуғнор ва Бўстон туманлари фермер хўжаликларида 109,7 гектарда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 02/025-2927-сон маълумотномаси). УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини 7,0 л/га меъёрда қўллаш натижасида кўсаклар 87,0-90,6% га очилган ҳамда 33,7 ц/га ёки назоратга нисбатан 2,3-2,6 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинди, рентабеллик даражаси 6,3-7,3 фоизга ошишига эришилган.

Андижон вилоятининг кучсиз шўрланган майдонларида УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини 7,0 л/га меъёрларда қўллаб 116,0 гектарда жорий этилган.(Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 02/025-2927-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантини 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда кўсаклар 89,1-91,5% га очилиб, ўртача ҳосил 30,5 ц/га ёки назоратга нисбатан 2,3-2,4 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинди, рентабеллик даражаси 7,0 фоизга ошишига эришилган;

Андижон вилоятининг ўртача шўрланган майдонларида УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларни 5,0-6,0 л/га меъёрларда қўллаш бўйича ишланмалар 82,0 гектарда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 02/025-2927-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантларини

5,0-6,0 л/га меъёрларда қўлланилганда кўсаклар 89,2-92% га очилиб, гектаридан 27,4-27,9 ц/га ёки назоратга нисбатан 1,9-2,0 ц/га қўшимча пахта ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 8,3 фоизга ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларнинг апробацияси.** Дала ва лаборатория тажрибалари ЎзҚХООТИИЧМ ҳамда институтнинг махсус апробация комиссияси томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар ҳар йили институтнинг илмий кенгашида тасдиқланган ҳамда республика ва халқаро конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журнал, конференциялар ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган илмий изланишларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, апробациядан ижобий ўтказилганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Турли даражада шўрланган тупроқларнинг ғўза дефолиацияси самарадорлигига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган. Шунингдек, турли даражада шўрланган майдоналарда етиштирилган ғўзаларда дефолиациянинг аҳамияти, ғўза кўсакларининг турли даражада шўрланган тупроқларда етиштирилганда очилиш жараёни ҳамда уларга тупроқ таркибидаги тузларнинг таъсир этувчи омиллари баён қилинган. Жумладан, дефолиантларнинг ғўза барглари тўкилишига, кўсаклар очилишига, пахта ҳосилига, толанинг технологик сифат кўрсаткичларига, чигитнинг кимёвий таркиби ҳамда ғўза дефолиацияси самарадорлигига турли омилларнинг таъсири борасида юртимиз ва хорижлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Адабиётлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида ҳозирги кунда турли даражада

шўрланган тупроқларда етиштирилган ғўза ўсимликлари ҳар хил ўсиб ривожланиб, амал даври охирида турли хил биомассага эга бўлишини ўрганган ҳолда дефолиантларни қўллашнинг илмий-амалий асосларини амалиётга тадбиқ этиш долзарб масалалардан бири эканлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот олиб борилган жойнинг (Андижон вилояти Улуғнор туманининг) тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда тадқиқот ўтказиш услублари**» деб номланган иккинчи бобида Андижон вилояти Улуғнор тумани Мирзаахмедов массиви тажриба участкаси тупроқлари, ўтлоқи соз тупроқлар бўлиб, тажриба далалари тупроғининг ҳайдалма қатлами асосий озика элементлари билан кам даражада таъминланганлиги қайд этилган. Бундан ташқари тупроқ таркибидаги тузларнинг қуруқ қолдиқ миқдорига кўра, ўртача, кучсиз ва шўрланмаган майдонларга ажратилиб шу майдонларда тажрибалар ўтказилганлиги кўрсатиб ўтилган (1-жадвал).

Тупроқдаги сувда эрийдиган, ўсимликлар учун зарарли тузларни аниқлашдасувли сўрим тайёрлаш ва таҳлил қилиш учун Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар қўлланмаларидан фойдаланилган.


Ўтказилган дала тажрибалари диссертация иши дастури асосида олиб борилиб, тажриба далаларидаги ғўза парвариши бўйича бажарилган агротехник ишлар кетма-кетлиги ва моҳияти, қўлланилган дефолиантларнинг кимёвий хусусиятлари ҳамда Султон ғўза навининг хусусиятлари тавсифлаб ўтилган.

Диссертациянинг «**Турли даражада шўрланган майдонларда парваришланган Султон ғўза навининг морфологик ва физиологик ҳолати**» деб номланган учинчи бобида Султон ғўза нави чигитининг турлича шўрланган тупроқларда униб чиқишини аниқлашда тажриба олиб бориш учун барча тадқиқот йилларида ҳам чигит етарлича ундириб, тўлик ниҳол олишга эришилганлиги қайд этилган.

Турлича шўрланган майдонларда етиштирилган ғўзанинг ўсиши ва ривожланишида сезиларли фарқ борлиги кузатилиб, август ойининг охири сентябрь ойининг бошларида шўрланмаган тажриба майдонида етиштирилган ғўза навида ўсимлик бўйи изланиш йилларига мос ҳолда 99,2-91,1-95,2 см ни, ҳосил шохи 12,6-12,7-12,6 донани, жами кўсақлар сони 9,5-10,5-9,3 донани, шундан очилгани 46,2-47,3-47,0% ни, ярим очилгани 4,6-5,0-3,6% ни ташкил этганлиги, кучсиз шўрланган майдонда эса, ўсимлик бўйи 95,3-90,8-92,9 см ни, ҳосил шохи 12,2-11,8-12,0 донани, кўсақлар сони 9,0-8,3-8,7 донани, шундан очилган кўсақлар 70,2-50,0-46,1% ни, ярим очилгани 1,6-3,2-3,1% ни ташкил этганлиги, ўртача шўрланган майдонда, ўсимлик бўйи 94,7-75,3-82,0 см ни, ҳосил шохи 12,1-11,0-11,5 донани, кўсақлар сони 8,9-6,9-7,3 донани, шундан очилган кўсақлар 45,5-46,5-45,9% ни, ярим очилгани 4,0-3,6-3,2% ни ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилган.

Турли даражада шўрланган тупроқларда етиштирилган ғўза ўсимлигининг амал даврида барг сатҳи юзасининг фарқланиши кузатилиб,

ғўзанинг пишиш даврида эса барг сатҳи тадқиқот йилларига мос равишда шўрланмаган майдонда етиштирилган ғўза навида 3472,1-3148,9-2955,9 см<sup>2</sup>/ўсимликни, 31248,6-28339,7-26602,9 м<sup>2</sup>/га ни, кучсиз шўрланган майдонда 3189,8-3102,2-2882,0 см<sup>2</sup>/ўсимликни, 27751,6-26989,4-25073,4 м<sup>2</sup>/га ни, ўртача шўрланган майдонда 2837,8-2912,3-2766,6 см<sup>2</sup>/ўсимликни, 24121,4-25045,7-23792,6 м<sup>2</sup>/га ни ташкил этганлиги қайд этилган (1-расм).



**1-Расм. Турли даражада шўрланган майдонларда дефолиациядан олдин ғўзанинг барг сатҳи юзаси.**

Диссертацияда кўпчилик муаллифлар, жумладан Б.А.Келлер, Д.А.Шутов, В.А.Навиков, В.А.Бровцина, Б.П.Строгонов ва Е.Ф.Иваницкая ва бошқалар барг пластинкасининг қалинлашувига тупроқнинг шўрланиши ғўзада пайдо бўлган суккулентликнинг (*шўр ерда ўсган ғўза баргининг қалин ва сер сув бўлиши*) аниқ ифодаланган белгиси сифатида қарашлари, бунда эса барг пластинкаси асосан сувли тўқима булутсимон паренхиманинг кўпайиши ҳисобига қалинлашиши аниқланган. Бундан ташқари барг шира концентрацияси тупроқ шўрланиш даражасига қараб ўзгариб бориши баён этилган.

Қолаверса турли даражада шўрланган тупроқларда ғўза ўсимлиги ҳосил шохларининг бўғин ораликлари шўрланиш даражаси ортиб боргани сайин, бўғин ораликлари ошиб борса, ҳосил шохларида жойлашган ғўза кўсак бўғин ораликлари аксинча қисқариб бориши қайд этилган (2-3 расм).

Султон ғўза навининг дефолиациядан олдинги морфобиологик ҳолати аниқланганда, дефолиация тадбири август ойи охири сентябрь ойи бошларига тўғри келганлиги сабабли ғўза навида дефолиациядан олдин ғўза бош поясининг баландлиги, ҳосил элементлари ва бошқа кўрсаткичлар деярли ўзгармаган. Аммо турли даражада шўрланган майдонларда

етиштирилган ғўза ўсимлиги барг сони йилларга мос равишда турлича бўлганлиги, шунингдек шўрланмаган майдонда 29,6-35,2-33,6 донани, кучсиз шўрланган майдонда 24,1-29,4-31,3 донани, ўртача шўрланган майдонда 21,4-27,5-29,1 донани ташкил этганлиги кўрсатилган.



**2-3 Расмлар. Ғўза ўсимлиги ҳосил шохлари бўғин ораликларини(чапда) ва ҳосил шохларида жойлашган кўсак бўғин ораликларини ўрганиш (ўнгда) жараёнлари**

**1-жадвал**

**Андижон вилояти Улугнор тумани Мирзаахмедов массивида суғориладиган ўтлоқ-соз тупроқлардаги сувда осон эрувчи тузлар миқдори ва шўрланиш типи (2019 йил)**

Туп-рок кат-лам-лари см	Кур-ук кол-дик	HCO <sub>3</sub>	Cl	SO <sub>4</sub>	Ca	Mg	Na	Кур-рук кол-дик	HCO <sub>3</sub>	Cl	SO <sub>4</sub>	Ca	Mg	Na	Шўрланиш	
															типи	даражаси
	экишдан олдин %							ўсув даври охирида %								
0-30	0,154	0,016	0,007	0,080	0,025	0,007	0,019	0,193	0,018	0,009	0,091	0,029	0,016	0,030	с	шўрланмаган
30-50	0,108	0,015	0,005	0,056	0,021	0,003	0,008	0,147	0,016	0,007	0,067	0,027	0,009	0,021	с	шўрланмаган
50-75	0,112	0,017	0,007	0,050	0,025	0,003	0,010	0,132	0,019	0,005	0,061	0,030	0,005	0,012	с	шўрланмаган
75-100	0,157	0,014	0,003	0,096	0,020	0,009	0,015	0,155	0,016	0,005	0,090	0,023	0,007	0,014	с	шўрланмаган
<b>Ўртача</b>	<b>0,133</b>	<b>0,016</b>	<b>0,006</b>	<b>0,071</b>	<b>0,023</b>	<b>0,006</b>	<b>0,013</b>	<b>0,157</b>	<b>0,017</b>	<b>0,007</b>	<b>0,077</b>	<b>0,027</b>	<b>0,009</b>	<b>0,019</b>		
0-30	0,850	0,021	0,016	0,580	0,160	0,042	0,031	0,886	0,021	0,019	0,591	0,167	0,045	0,043	с	кучсиз
30-50	0,783	0,020	0,017	0,494	0,194	0,036	0,022	0,806	0,020	0,017	0,500	0,200	0,039	0,030	с	кучсиз
50-75	0,656	0,020	0,014	0,437	0,115	0,023	0,047	0,674	0,022	0,017	0,452	0,121	0,026	0,036	с	кучсиз
75-100	0,596	0,018	0,011	0,395	0,123	0,033	0,016	0,623	0,025	0,014	0,401	0,126	0,036	0,021	с	кучсиз
<b>Ўртача</b>	<b>0,721</b>	<b>0,020</b>	<b>0,015</b>	<b>0,477</b>	<b>0,148</b>	<b>0,034</b>	<b>0,029</b>	<b>0,747</b>	<b>0,022</b>	<b>0,017</b>	<b>0,486</b>	<b>0,154</b>	<b>0,037</b>	<b>0,033</b>		
0-30	1,127	0,023	0,025	0,800	0,174	0,045	0,060	1,176	0,027	0,028	0,808	0,176	0,064	0,073	с	ўртача
30-50	1,137	0,018	0,022	0,792	0,190	0,040	0,075	1,168	0,029	0,025	0,800	0,195	0,052	0,067	с	ўртача
50-75	1,135	0,021	0,018	0,780	0,210	0,050	0,056	1,158	0,023	0,022	0,788	0,220	0,045	0,060	с	ўртача
75-100	1,114	0,025	0,021	0,750	0,230	0,048	0,040	1,113	0,027	0,024	0,746	0,223	0,050	0,043	с	ўртача
<b>Ўртача</b>	<b>1,128</b>	<b>0,022</b>	<b>0,022</b>	<b>0,781</b>	<b>0,201</b>	<b>0,046</b>	<b>0,058</b>	<b>1,154</b>	<b>0,027</b>	<b>0,025</b>	<b>0,786</b>	<b>0,204</b>	<b>0,053</b>	<b>0,061</b>		


Диссертациянинг «Турли даражада шўрланган тупроқларда дефолиантларнинг ғўза баргини тўкиши, кўсакларни очилиши ва тола сифат кўрсаткичларига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида ўрта толали Султон ғўза навида дефолиантларнинг ғўза барглари тўкилишига таъсири ўрганилганда, шўрланмаган майдонда энг юқори натижалар ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантлари 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда кузатилиб, барг тўкилиши 85,5-87,4% ни ташкил қилган ҳолда назоратга нисбатан 76,3-78,2 ва андоза (СуюқХМД) вариантига нисбатан эса 1,6-3,5% ортганлиги кўрсатилган. Кучсиз шўрланган майдонда ҳам энг юқори натижалар ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантлари 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантларида кузатилиб, барг тўкилиши 86,9-90,0% ни ташкил қилган ҳолда, назоратга нисбатан 74,9-78,0 ва андоза (СуюқХМД) вариантига нисбатан эса 3,9-7,0% ортганлиги кўрсатилган. Ўртача шўрланган майдондан олинган энг яхши натижалар ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантлари 6,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантларида кузатилиб, барг тўкилиши 88,0-89,2% ни ташкил қилган ҳолда, назоратга нисбатан 73,8-75,0 ва андоза (СуюқХМД) вариантига нисбатан эса 10,4-11,6% ортганлиги кўрсатилган.

УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларининг кўсаклар очилиш динамикасига таъсири аниқланганда, шўрланмаган тажриба даласидан олинган энг юқори натижалар ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолианти 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда кўсаклар очилиши 87,0-90,6% ни ва очилиш тезлиги 40,5-44,8% ни ташкил этиб, назоратга нисбатан кўсаклар очилиши 19,9-23,5% га, очилиш тезлиги 21,2-25,5% га, андоза (СуюқХМД 8,0 л/га) га нисбатан эса кўсаклар очилиши 3,3-6,9% га ва очилиш тезлиги 3,7-8,0% га юқори бўлганлиги қайд этилган. Шунингдек, кучсиз шўрланган тажриба даласида энг юқори натижалар ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолианти 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда кўсаклар очилиши 89,1-91,5% ни ва очилиш тезлиги 42,5-46,0% ни ташкил этиб, назоратга нисбатан кўсаклар очилиши 23,4-25,8% га, очилиш тезлиги 22,1-25,6% га, андоза (СуюқХМД 8,0 л/га) га нисбатан эса кўсаклар очилиши 5,1-7,5% га ва очилиш тезлиги 3,5-7,0% га юқори бўлганлиги қайд этилган. Шунингдек, тадқиқотларда дефолиантлар таъсирида турлича шўрланган майдонларда етиштирилган ғўза ўсимлигининг барглари тўкилиши ва кўсаклари очилиши орасида юқори даражада корреляцион боғлиқлик аниқланиб, корреляция коэффициенти  $r=0,932$  га тенглиги исботланган.

Дефолиантларнинг бир дона кўсакдаги пахта вазнига таъсири аниқланганда шўрланмаган майдонда УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолианти 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда нисбатан юқори натижа олиниб, бир дона кўсакдаги пахта вазни ўртача 5,2 г ни ташкил қилиб, назоратдан 0,3 г га, андоза (СуюқХМД)дан эса 0,4 г га юқори бўлган. Кучсиз шўрланган майдонда ҳам УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолианти 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда юқори натижа олиниб, бир дона кўсакдаги пахта вазни ўртача 5,0 г ни ташкил қилиб, назоратдан 0,2 г га, андоза (СуюқХМД)дан эса 0,3 г га юқори бўлган. Ўртача шўрланган майдонда УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолианти 6,0 л/га меъёрда қўлланилганда нисбатан юқори натижа олиниб,



бир дона кўсақдаги пахта вазни ўртача 4,9 г ни ташкил қилиб, назоратга тенг, андоза (СуюқХМД) вариантдан эса 0,3 г га юқори бўлганлиги аниқланган.




4-Расм. Турли даражада шўрланган тупроқларда парваришланган ғўзанинг кўсақлари очилиши ва барглар тўкилишига дефолиантларнинг таъсири(2019 йил)

Диссертациянинг «Турли даражада шўрланган ва шўрланмаган тупроқларида етиштирилган Султон ғўза навининг пахта ҳосили ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг синови» деб номланган бешинчи бобида турли даражада шўрланган тупроқлар шароитга боғлиқ ҳолда дефолиантларнинг пахта ҳосили ва биринчи терим салмоғига таъсири аниқланганда, шўрланмаган тажриба майдонида ФандЕФ ва УзДЕФ дефолиантлари 7,0 л/га меъёрларда қўлланилганда мутаносиб ҳолда пахта ҳосили ўртача 33,7 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 2,3 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Биринчи терим салмоғи 89,0%ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 16,2% га, андоза (СуюқХМД 8,0 л/га) га нисбатан эса 1,7% га ошган. Кучсиз шўрланган тажриба майдонида ФандЕФ ва УзДЕФ дефолиантлари 7,0 л/га меъёрларда қўлланилганда мутаносиб ҳолда пахта ҳосили ўртача 30,5 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 2,3 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Биринчи терим салмоғи 89,8% ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 20,5% га, андоза (СуюқХМД 8,0 л/га) га нисбатан эса 5,2% га ошган. Ўртача шўрланган тажриба майдонида ФандЕФ ва УзДЕФ дефолиантлари 6,0 л/га меъёрларда қўлланилганда мутаносиб ҳолда пахта ҳосили ўртача 27,8 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,9 ц/га қўшимча

ҳосил олинган. Биринчи терим салмоғи 88,9% ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 15,3% га, андоза (СуёқХМД 8,0 л/га) га нисбатан эса 0,9% га ошган.

Турли даражада шўрланган ва шўрланмаган шароитда олиб борилган тадқиқотларда дефолиантлар таъсирида бир дона кўсак пахтаси вазни ва пахта ҳосили орасида корреляцион боғлиқлик аниқланиб, корреляция коэффиценти  $r=0,750$  га ҳам тенглиги аниқланган (5-расм).




**5-Расм. Тупроқ шўрланиши даражасининг ва пахта ҳосили ўртасидаги корреляцион боғлиқлик.**

Турли даражада шўрланган тупроқларда етиштирилган пахта хом ашёсининг технологик сифат кўрсаткичлари ва хўжалик-қиммат белгиларига дефолиантларнинг таъсири аниқланганда, дефолиантлар мақбул меъёрларда УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолианти қўлланилганда толанининг микронейр кўрсаткичи шўрланмаган майдонда пахта хом ашёсининг технологик сифат кўрсаткичларига салбий таъсир этмасдан, назорат вариантларига яқин маълумотлар олинганлиги, кучсиз ва ўртача шўрланган майдонларда эса мақбул меъёрларда дефолиантлар қўлланилганда толанинг микронейр кўрсаткичи бироз дағаллашиб борганлиги баён этилган.



Шунингдек, турли даражада шўрланган тупроқларда етиштирилган ғўза кўсаклари очилиши ва биринчи терим салмоғи орасида ҳам юқори даражада корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланиб, корреляция коэффициенти  $r=0,924$  га тенглиги исботланган (6-расм).



**6-Расм. Турли даражада шўрланган майдонларда дефолиантлар таъсирида кўсаклар очилиши ва биринчи терим салмоғи орасидаги корреляцион боғлиқлиги**

Турли даражада шўрланган майдонларда дефолиантларнинг самарадорлиги аниқланиб, юқори иқтисодий самарадорлик шўрланмаган тажриба майдонида ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантларини 7,0 л/га меъёрларида кузатилган ва гектаридан олинган соф фойда 4366324-4437000 сўмни, рентабеллик даражаси мутаносиб равишда 42,9-43,3% га тенг бўлганлиги қайд этилган. Кучсиз шўрланган тажриба майдонида ҳам ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантларини 7,0 л/га меъёрда энг юқори натижалар кузатилиб, мутаносиб равишда соф фойда 2871804-2872160 сўмни, рентабеллик даражаси ўртача 27,8% га тенг бўлганлиги қайд этилган. Ўртача шўрланган тажриба майдонида эса юқори самарадорлик ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантларини 6,0 л/га меъёрларида кузатилиб, мутаносиб равишда соф фойда 1976632-1982800 сўмни, рентабеллик даражаси ўртача 19,3% га тенг бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, тадқиқотларда дефолиантлар таъсирида пахта ҳосили ва рентабеллик даражаси орасида юқори даражада корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланиб, корреляция коэффициенти  $r=0,995$  га тенглиги математик таҳлилларда исботланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Андижон вилояти Улуғнор тумани Мирзаахмедов массивидаги «Улуғнорда Ғайратбек ери» фермер хўжалиги даласи тупроқларида сувда осон эрувчи тузларнинг қуруқ қолдиқ миқдори ўртача 0,133% ни ташкил этиб, бу тупроқлар мелиоратив ҳолатига кўра шўрланмаганлиги, «Улуғнорда Тўрабой хожи ери» фермер хўжалиги даласи тупроқларида сувда осон эрувчи тузларнинг қуруқ қолдиқ миқдори ўртача 0,721% ни ташкил этиб, ушбу тупроқлар мелиоратив ҳолатига кўра кучсиз шўрланганлиги, «Улуғнорда Ғайратбек ери» фермер хўжалиги даласи тупроқларида сувда осон эрувчи тузларнинг қуруқ қолдиқ миқдори ўртача 1,117% ни ташкил этиб, бу тупроқлар мелиоратив ҳолатига кўра ўртача шўрланган тупроқлар турига мансуб эканлиги аниқланди.

2. Шўрланмаган тупроқ шароитида Султон ғўза навининг дефолиациядан олдин ўртача бўйи 95,2 см ни, барг сони 33,6 донани, ҳосил шохи 12,6 донани, ҳосил шохлари бўғин оралиғи ўртача 4,7 см ни, ҳосил шохларида жойлашган ҳар бир кўсак орасидаги масофа 7,07 см ни, кўсаклар сони 9,3 донани, шундан очилганлари 47,0% ни, ярим очилганлари 3,6% ни ташкил этди. Кучсиз шўрланган майдонда дефолиациядан олдин ўсимлик бўйи 92,9 см ни, барг сони 31,3 донани, ҳосил шохи 12,0 донани, ҳосил шохлари бўғин оралиғи ўртача 4,7 см ни, ҳосил шохларида жойлашган ҳар бир кўсак орасидаги масофа эса 6,25 см ни, кўсаклар сони 8,7 донани, шундан очилган кўсаклари 46,1% ни, ярим очилганлари 3,1% ни ташкил этилиши аниқланди. Ўртача шўрланган майдонда дефолиациядан олдин ўсимлик бўйи 82,0 см ни, барг сони 29,1 донани, ҳосил шохи 11,5 донани, ҳосил шохлари бўғин оралиғи ўртача 4,9 см ни, ҳосил шохларида жойлашган ҳар бир кўсак орасидаги масофа 5,45 см ни, кўсаклар сони 7,3 донани, шундан очилган кўсаклар 45,9% ни, ярим очилганлари 3,2% ни ташкил этганлиги аниқланди.

3. Шўрланмаган тажриба даласида бир туп ўсимликда барг сатҳи 2955,9 см<sup>2</sup>, гектар ҳисобида эса 26602,9 м<sup>2</sup> бўлиб, суғоришдан олдин баргдаги хужайра шира концентрацияси ўртача (рефрактометр кўрсаткичи brіx) 17,0%, суғоришдан сўнг эса 13,9% ни, кучсиз шўрланган майдонда бир ўсимликбарг сатҳи 2882,0 см<sup>2</sup>, гектар ҳисобида эса 25073,4 м<sup>2</sup> ни ташкил қилиб, хужайра шира концентрацияси суғоришдан олдин 17,6%, суғоришдан сўнг ўртача 14,6% ни ташкил қилди. Ўртача шўрланган майдонда эса бир ўсимликбарг сатҳи 2766,6 см<sup>2</sup>, гектар ҳисобида эса 23792,6 м<sup>2</sup> бўлиб, хужайра шира концентрацияси суғоришдан олдин ўртача 19,3%, суғоришдан сўнг ўртача 15,1% ни ташкил қилди.

4. Дефолиантлар таъсирида 14 кундан сўнг барглarning тўкилиш даражаси ўтлоқи соз тупроқларда назорат вариантыда 9,2% ни, СуюқХМД 8,0 л/га қўлланилган вариантда 83,9% ни, УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантини 7,0 литр меъёрда қўлланилганда назорат ва андоза вариантларига нисбатан 78,2-3,5% ва 76,3-1,5% га кўпроқ тўкилиб, барглarning тўкилиши мос

равишда 85,5-87,4% ни ташкил этди. Кучсиз шўрланган майдонда ҳам энг юқори барг тўкилиши УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантлари 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда 86,9-90,0% олинди. Аммо ўртача шўрланган майдонда барглари тўкилиши УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини 6,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантларда юқори бўлиб, бу кўрсаткич мос равишда 88,0-89,2% ни ташкил этди.

5. Шўрланмаган майдонда дефолиация ўтказилмаган назорат вариантыда 14 кундан сўнг кўсақларнинг очилиш даражаси 67,1% ни, СуюқХМД 8,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда бу кўрсаткич 83,7% ни ташкил этиб, айрим кўсақлар дефолиант таъсиридан зарарлангани маълум бўлди. Бироқ ФанДЕФ ва УзДЕФ 7,0 литр меъёрда қўлланилганда кўсақларнинг очилиши 87,0-90,6% ни ташкил этиб, юқоридаги салбий аломатлар сезилмади. Кучсиз шўрланган вариантда ҳам энг юқори кўрсаткич 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантларда 89,1-91,5% олинди. Ўртача шўрланган майдонда эса гектарига ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантларини 6,0 л/га меъёрларда қўлланилганда энг яхши натижалар олинди, бу кўрсаткич 89,2-92,0% ни ташкил этди.

6. Дефолиантларни пахта ҳосили ва биринчи терим салмоғига таъсири ўрганилганда шўрланмаган тажриба даласи назорат вариантыда ўртача 31,4 ц/га ҳосил олинди, биринчи терим салмоғи 72,8% ни ташкил этди. СуюқХМД қўлланилган вариантда ҳосилдорлик 33,0 ц/га ни ташкил этиб, биринчи терим салмоғи 87,4% га, шўрланмаган майдонда энг яхши кўрсаткичлар ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантлари 7,0 л/га қўлланилганда олинди, ўртача ҳосилдорлик мос равишда 33,7-34,0 ц/га ни, биринчи терим салмоғи эса 89,3-89,0% га тенг бўлди. Кучсиз шўрланган майдонда ҳам назорат вариантыда ўртача 28,2 ц/га ҳосил олинди, биринчи терим салмоғи 71,1% ни, СуюқХМД қўлланилган вариантда 29,6 ц/га ҳосил олинди, биринчи терим салмоғи 84,5% га тўғри келди. Бу майдонда энг юқори натижалар ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантлари 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантлардан олинди, ҳосилдорлик 30,5-30,6 ц/га ни, биринчи терим салмоғи 89,5-90,3% ни ташкил қилди. Ўртача шўрланган майдонда эса энг юқори натижалар УзДЕФнинг 6,0 л/га меъёрдан ўртача 27,9 ц/га ҳосил олинди, биринчи терим салмоғи 90,2% ни ташкил этди. ФанДЕФ дефолианти 5,0-6,0 л/га қўлланилган вариантдан ўртача 27,4-27,8 ц/га ҳосил олинди, биринчи терим салмоғи 86,4-88,9% га тўғри келиб, бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлди.

7. Тупрокнинг шўрланиш даражаси бўйича УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини мақбул меъёрларида қўлланилганда пахта ҳосили сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмаслиги, аксинча дефолиация ўтказилмаган назорат вариантыга нисбатан толанинг баъзи (микронейр кўрсаткичи, солиштирма узулиш кучи) технологик сифат кўрсаткичлари бироз яхшиланиши аниқланди. Бундан ташқари чигит сифат кўрсаткичлари ҳам ўрганилганда УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолианти 6,0-7,0 л/га қўлланилган вариантларда назорат ва андоза вариантларига нисбатан барча тажриба

далаларида ядро чиқими 3,1-4,5 фоизга, чигит ядросидаги мойдорлиги эса 3,5-4,0 фоизга юкори бўлди.

8. Шўрланмаган майдонда ФанДЕФ ва УзДЕФ дефолиантини 7,0 л/га меъёрда қўлланилганда ўртача 33,7 ц/га ҳосил олиниб, гектаридан 4366324 сўм соф фойда ва рентабеллик кўрсаткичи 42,9% ни ташкил этди. Кучсиз шўрланган майдонда ФанДЕФ дефолианти 7,0 л/га, УзДЕФ дефолиантини 6,0-7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда ўртача 30,5-30,2-30,6 ц/га ҳосил олиниб, соф фойда 2871804-2741120-2872160 сўм/га ни, рентабеллик кўрсаткичи 27,9-26,6-27,8% ни ташкил қилди. Ўртача шўрланган майдонда УзДЕФ дефолианти 6,0 л/га, ФанДЕФ дефолиантини 5,0-6,0 л/га меъёрларда қўлланилганда ўртача 27,9-27,4-27,8 ц/га ҳосил олиниб, соф фойда 19828800-1837260-1976632 сўмни, рентабеллик кўрсаткичи 19,3-18,0-19,3% ни ташкил этди.

9. Фарғона водийси шароитида экилган ўрта толали Султон ғўза навида дефолиация самарадорлигини ошириш, етиштирилган ҳосилнинг таннархини оширмай сифатли йиғиштириб олиш учун турлича мелиоратив ҳолатдаги тупроқларда, яъни:

шўрланмаган майдонларда экилган Султон ғўза нави кўсаклари 45-50% очилган муддатда УзДЕФ ва ФанДЕФ дефолиантларини 7,0 л/га меъёрда;

кучсиз шўрланган майдонларда шу муддатда ФанДЕФ дефолиантини 7,0 л/га меъёрда, УзДЕФ дефолиантини 6,0-7,0 л/га меъёрда;

ўртача шўрланган майдонларда эса УзДЕФ дефолиантини 6,0 л/га, ФанДЕФ дефолиантини 5,0-6,0 л/га меъёрларда табақалаштириб қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,  
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ  
ХЛОПКА**

**УЛЖАБАЕВ АЛИЖОН АБДУЛЛАЖОНОВИЧ**

**ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ РАЗЛИЧНОЙ ЗАСОЛЕННОСТИ ПОЧВ НА  
ЭФФЕКТИВНОСТЬ ДЕФОЛИАЦИИ ХЛОПЧАТНИКА (В УСЛОВИЯХ  
ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)**

**06.01.08 – Растениеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Qx209

Диссертации доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного по адресу ([www.Psuvaiti.uz](http://www.Psuvaiti.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Тешаев Фатулло Жўрақулович  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Ахмедов Джамолхон Хўжахонович  
доктор биологических наук, профессор

Ахмедов Алмон Усманович  
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Ташкентский Государственный Аграрный  
Университет


Защита диссертации состоится «25» 12 2020 года в 9<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01.при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № \_\_\_\_). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37


Автореферат диссертации разослан «7» 12 2020 года.

(реестр протокола рассылки № 1 от «7» 12 2020 года.)



 Ш.Н.Нурматов  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

 Ф.М.Хасанова  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
к.с.х.н., профессор

 Ж.Х.Ахмедов  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире на сегодняшний день на площади более чем 1 миллиард гектаров человечество занимается земледелием. Из них на площади 31,8 млн гектаров высевается хлопчатник и получают 25 млн тонн хлопкового волокна. В Узбекистане на площади 1 млн. 33 тысяч 629 гектаров высевается хлопчатник и выращивается 3,1 млн тонн хлопка. Кроме этого большое отрицательное влияние на растения оказывают соли в почве, это 952,2 млн гектар которые составляют почти 39% площадей используемых в сельском хозяйстве<sup>3</sup>.

Во многих ведущих странах мира в целях ускорения раскрытия биологически зрелой коробочки и ускорения физиологических процессов, для искусственного опадения листьев хлопчатника в период раскрытия коробочек 40-45 и 50-60%, в результате научно-обоснованного, своевременного и экономичного применения мягко и полумягко действующего дефолианта 2М-4Х (2-метил-4-хлорофеноксисукусная кислота), дефолиант, гербицид диурон и гормонального дефолианта тидиазурон, достигается уборка урожая хлопка-сырца до наступления дождливых дней. С этой точки зрения проведение научных исследований по изучению эффективности дефолиантов для ускорения раскрытия коробочек хлопчатника считается актуальным.

В республике особое внимание уделяется применению дефолиантов для искусственного опадения листьев, обеспечивающий ранний, высокий и качественный урожай хлопка-сырца до наступления дождливых дней. Однако научными исследованиями недостаточно изучено влияние дефолиантов на раскрытие коробочек в условиях засоленных почв и оптимальным нормам их применения. В стратегии действий по дальнейшему развитию сельского хозяйства в республике на 2017-2021 годы отмечено важной задачей «в пункте 3.3 рассматривали важные стратегические задачи направленные на применение в сфере сельскохозяйственного производства интенсивных методов, прежде всего водо и ресурсосберегающих современных агротехнологий, в заметной степени повышению экспорта в аграрном секторе»<sup>4</sup> по повышению эффективности применяемых дефолиантов в условиях с различной степенью засоления почв, уборки урожая хлопка-сырца в короткие сроки, усовершенствование эффективности дефолиации на хлопковых полях, проведение этих исследований считается важным.

---

<sup>3</sup> <https://www.citiindia.com/wp-content/uploads/2018/Cotton-Data>; <https://www.sciencedirect.com/topics/earth-and-planetary-sciences/soil-salinity>; <https://agrostory.com/info-centre/agronomists/rasteniya-protiv-zasoleniya-pochv/>

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан за УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»



